



Spectrum Journal of Innovation, Reforms and Development

Volume 05, July, 2022

ISSN (E): 2751-1731

Website: www.sjird.journalspark.org

**МАККАЖЎХОРИ ПОПИГИНИ ХАЛҚ ТАБОБАТИДА ҚЎЛЛАНИЛИШ
ИСТИҚБОЛЛАРИ**

Асқаров И.Р.,

Андижон давлат университети

Исаев Ю.Т.,

Андижон давлат университети

Рустамов С.А.

Андижон давлат университети

Ғуломова М. А.

Андижон давлат университети

Аннотация

Ушбу мақолада маккажўхорини оналик устунчаси (попуги) халқ табобатида ундан тайёрланган дамлама жигар, ўт пуфаги, ўт йўлларининг яллиғланиш касалликларида сафро ҳайдайдиган, ичдан қон кетаётган маҳалларда қон тўхтатадиган ва буйрак, қовук тошларида сийдик ҳайдайдиган восита сифатида фойдаланиш истиқболлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калит сўз: *Zea mays* L, диуретик, спазмолитик, яллиғланишга қарши.

Introduction

Асрлар давомида халқ табобатида турли хил касалликларни даволашда табиий ўсимликлар асосида тайёрланган қайнатма, дамламалардан фойдаланиб келинган. Бугунги кунга келиб илм фан ривожланган бир даврда жуда кўп кимёвий синтетик доривор препаратлар яратилган ва амалда қўлланилиб келинмоқда. Ушбу синтетик кимёвий препаратлар инсон организмига тушиб парчаланиб ҳосил қилган янги молекулар қўшимча маҳсулотлар бемор организмига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун табиий бирикмалар асосида дори воситаларига бўлган талаб ва қизиқиш янада ортиб бормоқда. Табиий дори воситаларининг асосий ютуғи: уларнинг айнан танлаб таъсир этиши ва организмга кирганда қўшимча ноҳуш таъсирлар кам кузатилишидир [1].

Маълумки, табиий манбаълардан ўсимлик ва ҳайвон организмларидан ажратиб олинган доривор моддаларга бўлган талаб, кимёвий усулда синтез қилиб олинган моддаларга нисбатан юқори. Дарҳақиқат кўпчилик ҳолатларда синтез қилиб олинган дориларга нисбатан, доривор ўсимликлардан олинган дори-дармонлар бўлган талаб кундан-кунга ортиб бормоқда, чунки ўсимликлардан асосида олинган биологик фаол бирикмалар инсон организмига деярли асоратларсиз таъсир этади.



Poaceae оиласига мансуб оддий маккажўхори (*Zea mays L.*), ўсимлигининг етилиш вақтида йиғилган оналик гулининг устунчаси ва оғизчаси дамлама ва қайнатмалари ҳалқ табобатида ҳамда илмий табобатда ишлатилиб келинмоқда. Булар шамоллашга қарши восита, сийдик хайдовчи восита сифатида қўлланиб келинмоқда [2].

Маккажўхори (*Zea mays L.*), ўсимлигининг етилиш вақтида йиғилган оналик гулининг устунчаси ҳалқ табобатида доривор восита сифатида амалиётида холецистит, гепатохолецистит, гастрит, қабзият, жигар, ўт пуфаги, буйрак, тери, бўғим касалликлари, витамин етишмовчилиги, кам қонлик, моддалар алмашинуви тизими касалликларида қўлланилиб келинмоқда. Ушбу маҳсулот таркибида ситостерол, стигмастерол, ёғли мойлар, эфир мойлари, сапонинлар, аччиқ гликозидли модда, С, К витаминлари, ўхшаш ва бошқа моддаларни сақлайди. Биологик фаол моддалар сифатида – тараксерол, тараксистерол, андростерол, тараксацин, стерин, холин, никотин кислота, никотинамид, каучук, смола, инулин, мой кислоталари, эфир мойлари ва оқсил моддалар, ошловчи моддалар, олеанол кислота, линолен кислота, пальмитин кислота, олма кислотаси, минерал тузлар, спиртлар, флавоноидлар, витамин С, витамин В, витамин Р, А провитами, холин, аспарагин, темир тузлари, калий ва фосфор тузлари аниқланган. Маккажохори оналик устунчаси иштаҳа очувчи, овқат хазм бўлиш тизими фаоллигини яхшиловчи таъсирга эга. Маҳсулот таркибидаги биологик фаол моддалар сафро хайдовчи, диуретик, спазмолитик, яллиғланишга қарши, тетиклаштирувчи таъсир кўрсатади [3].

Маккажўхори оналик устунчаси иштаҳа очувчи сафрони ишлаб чиқарилишини ошишини, унинг қовушқоқлиги ва нисбий зичлигини камайишини, билирубин миқдорини пасайишини, қонда протромбинни ошишини, уни ивишини тезлашишини чақиради.

Ушбу маҳсулот холециститларда, холангитларда, сафрони ажралиб чиқарилишини секинлаштиришда, гепатитларда, сафро хайдовчи ва сийдик хайдовчи воситаси сифатида, шунингдек К витамини препаратлари билан бир қаторда қонни тўхтатувчи восита сифатида (асосан гипопротромбинемияда) қўлланади.

Қўллаш усули ва дозалари

Ичга қайнатма кўринишида қўлланилади. Қайнатмани тайёрлаш учун 10 г майдаланган маккажўхори гулларининг устунчаси ва оғизчасини сирланган идишга солинади, устидан 1/2 стакан (300 мл) совуқ сув қуйилади, қопқоқ билан ёпилади ва 30 минут давомида унча баланд бўлмаган оловда қайнатилади, кейин совутилади ва дока ёрдамида сузиб ўтказилади, қолган хом-ашё сиқилади. Тайёрланган қайнатмани салқин жойда 2 суткагача сақлаш мумкин.

Хар 3-4 соатда 1-3 қошиқдан қабул қилинади.

Шундай қилиб маккажўхори попигидан озик-овқат қўшимчаси сифатида фойдаланиш организм учун зарур бўлган биологик фаол бирикмаларга бўлган талабни қонидиш орқали организмни иммун тизимини мустахкамлашга замин яратади.



Фойдаланилган адабиётлар

1. И.Р.Асқаров. Табобат қомуси. Мумтоз сўз. Т. 2019
2. Машковский М.Д. Лекарственные средства 15-е изд., перераб., испр. и доп. М. ООО «Изд» Новая волна 2005. С.523.
3. А.М Сампиев., Е.Б.Никифорова., М.Р.Хочара Кукурузные рыльца: от выявления действующих веществ до создания технологии малоотходной переработки сырья. Проблема нормирования качества и получения фитопрепаратов, ориентированных на содержание действующих веществ. фитохимия кукурузных рылец как первый этап в установлении действующих веществ